2003 YIL 14 AVGUST, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№102 (6.627). Sotuvda erkin narxda

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 август куни Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизаидни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

- Биз мамлакатимизнинг АҚШ билан муносабатларига алоҳида аҳамият берамиз, - деди Ислом Каримов. - Барча йўналишлардаги алоқаларимизни юксак қадрлаймиз.

Ж.Абизаид халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига АҚШ ҳукумати номидан яна бир бор миннатдорлик билдирди. Ўз мамлакати Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, террорчиликка қарши кураш, минтақавий хавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

## ФЕРМЕРЛИК ОЧАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. (ЎзА мухбири Неъмат ДУШАЕВ). Бўка тумани ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, ташкилот, компания, уюшма, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари, туман ҳокимлари, етакчи мутахассислар, фермерлар иштирок этди.***

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, ҳосилдорликни оширишда фермерларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Фермер зарарига ишламайди. Шу боисдан ҳам маҳсулот етиштиришда сарф-харажат камайиб, аҳолининг реал даромади ортмоқда. Буни пойтахт вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятда бугун 6 минг 711 та фермер хўжалиги фаолият юритяпти. Фермерлар бу йил бултургидан 25 минг тонна кўп - 125,7 минг тонна бошоқли дон етиштирди. Бу вилоятда тайёрланган доннинг 25 фоизига тенг. Давлатга ғалла сотиш режаси ортиғи билан адо этилди. Ўртачирчиқ туманидаги «Саидовул», «Эгамберди-Карвон», Оҳангарон туманидаги «Авазхон» фермер хўжаликларининг бу борадаги ютуқлари, айниқса, салмоқли.

Мулоқот чоғида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжаликларини тугатиш ва босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантириш энг тўғри йўл эканлиги таъкидланди. Бунда тендер танловлари ўтказиш сифати ва самарадорлигига катта эътибор бериш лозим.

Айни пайтда фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирларни кучайтириш зарур. Фермер - ернинг ҳақиқий эгаси, унинг ишига сабаб-бесабаб аралашишга батамом чек қўйиш фурсати келди.

Тадбирда фермерлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

Мулоқотда Республика Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.



**Абдужаббор Каримовни ховосликлар уста деҳқон сифатида яхши билишади. У етакчилик қилаётган "Абдужаббор" фермер хўжалигининг 120,8 гектар ер майдони бор. Абдужаббор жорий йилда 70 гектар ерга ғалла экиб, ҳосилдорликни гектарига 50 центнерга етказди. Фермер айни пайтда ғўза парвариши билан банд.**

**СУРАТДА: фермер Абдужаббор Каримов.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЎЗИНГ МЕНИНГ УЛУҒЛАРДАН УЛУҒИМСАН, ВАТАНИМ XII

## ЎН ИККИНЧИ ДОВОН

***Ватанни севмоқ иймондандир. Она-Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, бу пурмаъно ҳикмат шиорга айланди. Кўзларим кўриб, қулоқларим эшитиб кўникди. Сўнг шууримга сингди, қалбимга ўрнашиб қолди...***

Унинг мағзини чақиш мақсадида олимлар, шоирлар, устоз-мураббийлар, фидойи кишиларга мурожаат қилдим. Англаганим, Ватанни севмоқни буюк аждодларимиздан ҳар қанча ўргансак, оз экан. Широқ бобо ва Тўмарис момонинг қаҳрамонликлари, соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг Ватан қудратини ошириш йўлидаги жасоратлари, Бобур Мирзонинг Ватандан айриликда надоматлар ила битган:

*Толиъ йўқи жонимга балолиғ бўлди,*
*Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.*
*Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,*
*Ёраб! Нетайин, не юз қаролиғ бўлди, -*

каби дардли сатрлари беқиёс сабоқдир. Юртга муҳаббат туйғуси жаҳонгашта шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатга ёр эди! У Туркия, Юнонистон, Саудия, Ҳиндистоннинг Бомбей, Кашмир шаҳарларида бўлган кезларида, сўнгра Қашқарга ўтиб, Ёркентда турғун бўлиб қолганида ҳам киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган ўз Ватанини қайноқ эҳтирос билан севиб куйлаган. Фурқат Ватанга бўлган оташин муҳаббатини қуйидаги мисраларда ёрқин ифодалаган:

*Ватаннинг иштиёқин тортарам*
*ғурбат ғами бирла,*
*Турубдурман қутулмай ғуссаи*
*ранжу иnолардин...*

Шоир Нуриддин Аминжоннинг "Фурқат нидоси" шеъридаги мисралар диққатни тортади:

*Ватан деган чўнг соғинч*
*вужудимни қоплади,*
*Аммо толмас оёқлар у*
*тупроқни топмади.*

*Ғазалларим фарёдин эшитган*
*дил эш бўлди,*
*Қайси гуноҳим учун ўлим менга*
*пеш бўлди?*

Ватанни севмоқ – ватанпарварлик демак. Бу борада ҳар кимнинг ўз қараши, фикри, ўлчови бор, албатта.

**Ўринбой ТОШТЕМИРОВ, Қўқон Давлат педагогика институти профессори, фалсафа фанлари доктори:**

-Фикримча, меҳнаткаш табақа кишилари, яъни оддий ишчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, соҳибкорларда кўпроқ она-Ватанга муҳаббат туйғуси кучли бўлади.

Бундан ташқари, Ватанни севиш, менимча, аввало ўз она тилини яхши билиш ва ҳурматлашдан бошланади. Фарзандларни она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир.

**Турсунбой БЕГМАТОВ, Халқ таълими фахрийси, Фурқат тумани Бекобод қишлоғи:**

-Собиқ иттифоқ даврида улуғ аждодларимизнинг муборак номлари камдан-кам тилга олинарди. Эндиликда ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний сингари алломаларнинг диний ва дунёвий қарашлари юксак баҳоланмоқда. Қанийди, ёш бўлиб қолсам-у, ўқувчиларга бир олам завқу иштиёқ билан Ўзбекистонимиз тарихидан дарс берсам...

**Каримжон ЖЎРАЕВ, "Қўқон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:**

-Иймонли кишигина ўз Ватанини севади, ўзи яшайдиган жойни гулшанга, боғу бўстонга айлантиради. Мустақиллик йилларида хўжалигимиз деҳқонлари ернинг ҳақиқий эгалари ўзлари эканликларини тобора чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Қишлоғимизга саноат ҳам дадил кириб келмоқда. Хўжалигимиз марказида қанд ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхонанинг фаолият кўрсатаётганига беш йилдан ошди. Моҳир ишбилармон Расулжон Рўзиев раҳбарлик қилаётган бу корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати тобора ортиб бораётганидан, шунга ўхшаш кенг кўламли ўзгаришлардан қувонмай бўладими?

Ўзбекистон фуқароси эканлигимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боиси, ўлкамиз гўё бу дунё жаннати! Баҳорий эпкиндан энтиккан водийлар, бағри қимматбаҳо маъданларга тўла олмос тишли тоғлар, денгиздек чайқалган буғдойзор-у пахтазорлар, сўлим боғлар, жўшқин дарёлар, шарқироқ сойлар, нурли манзилларга элтувчи тасмадек равон йўллар, дунёда бирор миллат ва элатда учрамайдиган меҳмондўст халқим... ҳамма-ҳаммаси бизнинг муқаддас заминга ато этилган гўё.

Истиқлолнинг 12-довони забт этилмоқда. Улуғлардан улуғ айёминг қутлуғ бўлсин, серқуёш Ўзбекистоним!

**Адҳам МИРСАИДОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## ҚАРОРИ

## Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

**Балиқчилик тармоғида хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишга бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, тармоқни янада монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек балиқ овлашни, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг фаолияти ташкил этилишини текшириш бўйича 2003 йил 18 мартдаги Ф-1728-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссиянинг:

«Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясини ва «Қорақалпоқбалиқ» уюшмасини тугатиш;

тугатилаётган «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи балиқчилик тармоғининг балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналарини тўлиқ хусусийлаштириш ва асосан хусусий мулкчиликка айлантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибида Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида эса - чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилганлиги, уларга балиқчилик хўжалигини ривожлантириш функциялари юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг фаолияти ташкил этилишини текшириш бўйича Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси, балиқчилик тармоғининг хусусийлаштирилган корхоналари устав жамғармаларидаги давлат улушлари ва акциялар пакетларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда асосан жисмоний шахсларга ва хорижий инвесторларга сотишни назарда тутган ҳолда, белгиланган тартибда тугатилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида «Аквакультура» илмий-тадқиқот институтини ва «Ихтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилсин. Минтақавий давлат балиқ питомниги Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказига шўъба корхона сифатида берилсин.

Қуйидагилар Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш бўйича илмий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

селекция-наслчилик ишлари, балиқчилик хўжалиги мелиорацияси, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва даволаш тадбирларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва балиқларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

балиқ овлаш ва балиқчилик хўжаликларини сифатли селекция-наслчилик материали билан таъминлаш;

балиқчилик тармоғи учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази тўғрисидаги Низомни ва унинг тузилмасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

табиий балиқчилик хўжалиги ҳавзалари балиқ овлаш корхоналарига танлов асосида ижара шартларида камида 10 йил муддатга бириктириб қўйилади;

табиий сув ҳавзалари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ижара шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва танлов ғолиби бўлган балиқ овлаш корхонаси ўртасида тузилади;

ижара шартномаси тузган балиқ овлаш корхоналари томонидан табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш мавжуд биологик ресурслардан ва вужудга келаётган талабдан ҳамда маҳсулдорликни сақлаб қолиш ва балиқ ресурсларини зарур даражада кўпайтиришдан келиб чиққан ҳолда квотасиз асосда амалга оширилади;

табиий сув ҳавзалари участкаларини ижарага олувчи балиқ овлаш корхоналари табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларига, республика ҳудудида балиқ овлашнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилишлари, ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш ва балиқ ресурслари сақланишини ва кўпайтирилишини таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишлари шарт.

Ижарачи балиқ овловчи корхоналар томонидан табиатни муҳофаза қилишга доир белгиланган қонун ҳужжатлари, балиқ овлаш қоидалари ва ижара шартномаси шартлари қўпол равишда ва мунтазам бузилган тақдирда ижара шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қарорига кўра муддатидан олдин, белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

6. Республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

7. Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузурида илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишларини, озуқаларнинг замонавий рецептларини ишлаб чиқишни ва балиқчилик тармоғида замонавий технологияларни жорий этишга, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва даволашга, тармоқни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини шакллантиришга кўмаклашишни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлат пакетларини сотишдан тушадиган маблағларни Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтиришга рухсат берилсин, операция харажатлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ва акциядорларга «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг илгари жойлаштирилган акциялари қиймати учун тўловлар бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларининг балиқ овлаш корхоналарига ижара шартномаси шартларида бириктириб қўйилган участкаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ундириш тартиби ва миқдорлари тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини ижарага олишдан тушадиган маблағларнинг:

60 фоизи - тегишли маҳаллий бюджетларга, шу жумладан балиқчилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига;

25 фоизи - Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига;

15 фоизи - маблағларни балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирларига мақсадли йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан биргаликда 2004-2006 йилларда балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

(Давоми 2-бетда)

## ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН БОҒЛАР

***Маълумки, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг тарихи қарийб уч минг йилга бориб тақалади. Ана шу ўттиз асрлик умри давомида бу муқаддас шаҳар жаҳон тамаддунига муносиб улуш қўшиб келди.***

Шу боисдан ҳам дунёнинг исталган бурчагида Самарқанд номини ва унинг тарихини яхши билишади. Самарқанднинг ана шу жаҳоний шуҳратида соҳибқирон Амир Темурнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, бу шаҳар соҳибқирон ҳукмдорлиги даврида дунёга сиёсий, маданий ҳамда иқтисодий жиҳатдан танилди.

ДАВР

Амир Темур Самарқанднинг маданияти ривожига ҳам катта эътибор қаратди. Шаҳарда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши билан бир қаторда ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Айниқса, боғлар яратиш, гулзорлар барпо этиш оммавий тус олди. Кўҳна шаҳарни тўрт тарафидан ўраб олган Боғи Дилкушо, Боғи Баланд, Боғи Шамол ва шу каби 12 жаннатмонанд боғлар унинг ҳавосини мўътадил қилиб турар, дунёнинг турли бурчакларидан келтириб, майдонларга экилган анвойи гуллар эса шаҳар ҳуснига ҳусн бахш этарди.

(Давоми 2-бетда)

МУАММО

## ЧАНГДА ҚОЛГАН НОН

***Икки йилдан буён мамлакатимизда ғалла мўл, танқислик барҳам топди. Давлат омборлари-ю деҳқоннинг рўзғори, ҳатто бозорларимиз ҳам дон-дунга тўлди.***

Доннинг-ку бисёрлигидан кўнгил энди тўқ, аммо ундан ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотларининг сифати талаб ва эҳтиёжни қондираяптими?

Боғдод тумани деҳқон бозори ва озиқ-овқат дўконларини айлансангиз, тузилиши бир хил-у, сифати ҳар хил буханка нонларни учратасиз. Бири жуда ҳам оқ, иккинчиси ўртача, бошқаси сал қорароқ. Хусусий ва акциядорлик жамияти мақомига эга турли цехларда пиширилган нонлар.

-Тўғрисини айтсак, хамирга озроқ қозоқ унини қўшаяпмиз, аксинча нонларимиз харидоргир бўлмаяпти, - дейди туман матлубот савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-нон цехи бошлиғи Дилбар Абдураҳмонова.

(Давоми 2-бетда)

## "МИНИ-БАНК" ХИЗМАТИНГГА МУНТАЗИР, ФЕРМЕР!"

***Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари асосида истиқболсиз, деб топилган ва паст рентабелли ҳисобланган юзлаб хўжаликлар тугатилиб, уларнинг негизида кўплаб янги фермер хўжаликлари ташкил этилди.***

Ўтган даврда янгитдан иш бошлаган фермерларга самарали фаолият кўрсатишлари учун қишлоқларда муҳим инфратузилма шоҳобчаларини яратиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишда ҳукумат қарорида таъкидланганидек, мижозларга молиявий хизмат кўрсатиш мақсадида мини-банклар очиш алоҳида назарда тутилган эди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Хўш, ҳукумат қарори ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

## ТУПРОҒИГА ҚАЙТГАН ОЛИМ

***Бутун умрини илму маърифат, тарих фани ривожига бахшида этган инсоннинг хоки ниҳоят ўз ватанига қайтди. Мусофирлик барҳам топди. Хўш, ўзга юртда, Ватан ҳижронида армон билан ўтган бу зот ким эди?! Жавобимиз тайин: у кишини Комилжон Юсупов, деб атардилар. Бутун умри давомида илм деб яшаган инсон.***

-Акамнинг рамзий қабридаги ярим ой тасвири китобни жони дили билан севувчи акам билан тунлари ой ёғдусида китоб ўқиб ўтирган кунларимиздан хотира, - дейди кўзларида ёш билан 84 баҳорни қарши олаётган Шукуржон ая.

Китобга бўлган меҳр Комил Юсуповни 1932 йилда Урганч ўқитувчилар тайёрлаш курсига етаклади. Ундан сўнг Ўрта Осиё Давлат университетини тамомлади. Таҳсилдан сўнг бор кучини болаларга таълим беришга бағишлади. Қипчоқ, Тўрткўл, Хоразмнинг Гурлан, Янгибозор туманлари мактабларида ўқитувчилик қилди. Вилоят газетаси мухбири сифатида фаолият кўрсатди.

(Давоми 4-бетда)

## ОҒИР СЎЗ

***Ўшанда 10-12 ёшлар чамаси бола эдик. Айни баҳор чоғи. Дов-дарахтлар эндигина уйғониб, куртаклар бўртаётган кезлар. Кунлар илий бошлаган. Совуқдан сақланиш учун лойсувоқ қилинган орқа эшикларнинг очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай кунларнинг бирида симёғочларда қатор туриб роз айтаётган, кўкда турли шакллар ясаб, завқланиб учаётган қалдирғочлар галасига кўзимиз тушди.***

-Ия, қалдирғочлар келибди, - дея чапак чалиб юборди ҳаяжонланганини яширолмай Гулчеҳра.

ТУРМУШ

Ҳаммамиз бир муддат яқингинада вижирлаётган қушлар томонга қизиқсиниб боқдик.

-Мен қачонлар кўрувдим, - деди Салима ҳаяжонланганларнинг шаштини синдириб. – Бизларнинг уйимизга кириб, ҳадемай ин ясайди, бола очади.

-Бизларникига энди кирса керак, - деди Гулчеҳра кўзларини қалдирғочлардан узмай.

Салима нописанд лабини бурди. Барибир дилига келган гап тилига чиқди.

-Биласанми, қалдирғочлар тўқ, осойишта, тўкин-сочин хонадонларга ин қуради, деб эшитганман, - тушунтира кетди у бамайлихотир. – Сизларнинг уйларингга қалдирғоч ин қурмаса керак.

(Давоми 4-бетда)

ҲИКМАТ

***Одамларни жисмоний бақувватлик ҳам, пул ҳам эмас, ҳақгўйлик ва серқирра билимдонлик бахтиёр қилади.***

Демокрит

КЕЛГУСИ СОНДА: АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ? | ЭГРИ ЙЎЛ | ЛОҚАЙДЛИК

# Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари билан биргаликда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш бўйича чакана савдо шохобчаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарига селекция-наслчилик материали, озуқа ва бошқа ресурслар билан таъминлашда кўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда балиқчилик фаолиятини юритиш учун ажратилган кўллар ва бошқа ер майдонларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси табиий сув ҳавзаларида балиқ ресурслари муҳофаза қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши, ғайриқонуний ов қилишга ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишига қарши кураш устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 289-сон қарори, 9-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ ресурслари муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 11 майдаги 198-сон қарори, 6-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 2 июлдаги 277-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 август

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 августдаги қарорига

## ШАРҲ

Вазирлар Маҳкамаси «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Балиқчиликни ривожлантириш масалалари республика агросаноат комплексида муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда бир қатор балиқчилик, балиқ овлаш ва қайта ишлаш корхоналари, илмий-тадқиқот ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ҳозирги вақтгача тармоқни бошқаришнинг замонавий бозор шароитларига жавоб берадиган самарали тизими таъминланмаган эди. «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси доирасида корхоналар фаолиятининг рақобатли принциплари суст ривожланди, инвестицияларни самарали жалб этиш таъминланмади.

Ҳукумат қарорида балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишда бозор механизмларини жорий этиш бўйича туб чора-тадбирлар белгиланган.

Биринчидан, ортиқча бошқарув бўғинини - «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясини тугатиш мақсадга мувофиқ деб эътироф этилди. Балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарининг ўзини, уларнинг мол-мулкини хусусий мулк этиб тўлиқ хусусийлаштириш назарда тутилмоқда, бу уларга ўз хўжалик фаолиятини мустақил равишда юритиш имконини беради.

Иккинчидан, республиканинг табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш учун бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби жиддий ўзгаради. Табиий сув ҳавзалари вилоятлар ҳокимликлари томонидан балиқ овлаш корхоналарига танлов асосида камида 10 йил муддатга ижарага берилиши белгиланган. Шу билан бирга балиқ овлаш корхоналари томонидан балиқ овлашга квоталар бекор қилинади. Балиқ овлаш миқдорини мавжуд биологик ресурслардан, вужудга келган талабдан ва маҳсулдорликни ҳамда балиқчилик ресурсларини кўпайтиришни зарур даражада сақлашдан келиб чиққан ҳолда ўзлари белгилайдилар. Шартноманинг узоқ муддатли бўлиши балиқчилик ресурсларидан тежам билан фойдаланиш, ижарачилар томонидан уларни кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун рағбатлар яратади.

Учинчидан, балиқчилик ресурсларини кўпайтиришни таъминлаш учун Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади, марказга селекция-наслчилик ишлари, балиқларнинг касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишларни амалга ошириш, балиқ овлаш ва балиқчилик хўжаликларини селекция-наслчилик материали билан таъминлаш ҳамда балиқчилик тармоғининг хусусийлаштирилган корхоналарига кўмаклашиш бўйича бошқа вазифалар юкланади.

Ҳукумат қарорида кўзда тутилган балиқчилик тармоғининг бозор принциплари асосида ислоҳ қилиниши истеъмол бозорини балиқ маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдиришга, табиий биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга, мамлакатнинг табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишга кўмаклашади.

# ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН БОҒЛАР

(Боши 1-бетда)

Ўша пайтдаги шаҳарнинг кўрки ва тароватi, обод ва гўзаллиги ҳақида кўплаб тарихчилар, хорижлик сайёҳлар ўз эсдаликларида ёзиб қолдиришган. Жумладан, испан сайёҳи ва элчиси Клавихо шаҳар хусусида шундай ёзади: "Дунёни айланиб, Самарқанддек ораста ва обод шаҳарни топишингиз мушкул. Бу ердаги дўкон расталари ғоят тартиб билан қурилгани билан диққатингизни жалб қилса, кўчалари ободлиги ва ариқларидаги зилол сувлари билан таҳсинингизга сазовор бўлади. Юксак дид ва маҳорат билан барпо этилган миноралар қаршисида эса ҳайратга тушмасдан иложингиз йўқ".

Афсуски, ана шундай жаннатмонанд масканга чор Россияси истилосидан кейин путур ета бошлади. Темур давридан буён яшнаб келаётган боғлар қаровсиз ҳолга тушиб қолди. Шаҳар табиий муҳитининг аҳволи эса бундан-да ёмонлашди. Шарқ халқлари табиатига мос бўлган кўктерак, тол, мажнунтол, сарв каби дарахтлар кесилиб, улар ўрнига айлант, акация каби дарахтлар экилди ва бунинг оқибати флоранинг кескин ўзгаришига олиб келди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнггина шаҳар қайтадан яшариш-яшнаш палласига кирди. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ, Самарқандда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик юмушлари бошлаб юборилди.

Очиғи, бугунги Самарқандни бундан икки-уч йил олдинги шаҳар билан таққослаб бўлмайди. Маҳаллалар, кўчалар обод, ораста. Бир-биридан гўзал муҳташам иморатларга қараб, баҳри-дилингиз очилади. Гулзорлар яратиш, кўчат экиш борасидаги ташаббуслар эса шаҳарнигина эмас, бутун қишлоқларни ҳам яшиликка, гулзорларга буркади.

Бу юмушларга анъана тусини бериш мақсадида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан "Самарқандни гуллар диёрига айлантирамиз" шиори остида кўрик-танлов эълон қилинди. Бу борада махсус қарор қабул қилиниб, аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят ҳокимининг қарорига жавобан Алишер Навоий номидаги СамДУ биология факультетининг бир гуруҳ олимлари туманларда бўлишиб, ташкилотлар ва корхоналарда суҳбатлар ўтказишди, жойларда кўкаламзорлаштириш, гул ва дарахт кўчатлари экиш борасида маслаҳатлар беришди. Кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ Каттақўрғон, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут, Булунғур туманлари ва Самарқанд шаҳри катта йўл ёқаларига, корхона, мактаб ва ташкилотлар атрофига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ана шу бунёдкорлик юмушларида университет жамоасининг ҳиссаси катта бўлди. Улар жойларда дарахт ва гул кўчатларини қай тартибда экиш бўйича керакли маслаҳатлар бериш билан биргаликда, гул кўчатларининг ноёб турларини етказиб беришга ҳам ҳисса қўшишмоқда. Яъни, биология факультети боғида нодир гул ва дарахт кўчалари кўпайтирилиб, керакли жойларга тарқатилмоқда. Жумладан, бир йиллик ва икки йиллик гуллардан - астра, салвия, бахмалгул, юкка, форзиция, атиргуллар, бута ва дарахтлардан-сарв, каштан, Қрим қарағайи, тикан дарахти.

Бундан ташқари, вилоятда кўпгина анъанавий гуллар – хина, канна, аждаргул, саллагул, сутламагул, қўнғироқгул, петуния, гултожихўроз, хуллас, ўттиздан ортиқ гул турлари вилоятимизнинг барча туманлари, муассасалари, ташкилотлари, мактаблари, маҳаллаларида гулзорлар учун мўлжалланган майдонларига экилди. Бу эса шаҳримиз аҳлининг табиат манзарасига, экологиянинг оз бўлса-да тикланишига ҳисса қўшаётганликларидан дарак.

Туман ва шаҳарлар кўчалари, хиёбонлари атрофида йилнинг тўрт фаслида ҳам доимий яшил тус бериб турувчи кўп йиллик яшил ўсимликлар – шамсид, афиофагум, канадагрин (кўп йиллик райграс), фиалкалар, буталардан япон беҳиси, хитой атиргуллари экилиб, парвариш қилинмоқда.

Олимларимиз ҳар бир туманнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда кўкаламзорлаштириш учун махсус харитани ишлаб чиқишди. Шу асосда жойларда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Худоёр КЕЛДИЁРОВ**




## БЎЯЛГАН СИГИР

***Норўрознинг хотини касал бўлиб, шифокорлардан даво топмагач, охири Машарип табибнинг ёнига борди.***

-Хотининг қаттиқ шамоллаган, иним, - деди табиб Норўроз берган пулни кўрпача тагига қўяркан. – Бунинг давоси учун кўк сигирнинг эрталабки сутига анжирни ботириб есин. Илло, ўн беш кун есалар соғайиб кетур.

Машарип табибга хўп, дея хотинини олиб уйга келгач, ўйга толди. У хотинини уйга еткизиб, қўшниси Мадраҳимдан маслаҳат сўради:

-Анжир-ку уйда бор-а, аммо шу пайтгача кўк рангли сигир борлигини эшитмаганман. Балки қўшни кишилардан суриштирсаммикин?

-Овора бўлма, - деди Мадраҳим, - агар хотининг табиб маслаҳатига ихлос қўйган экан, бозордан хоҳлаган рангдаги сигирни сотиб олиб, уни кўкка бўяйвер.

Хуллас, Норўроз қўшнисининг айтганини қилди. Қизи ҳар куни ойисига даво дея сут соғиб бергач, бечора анжирни сутга ботириб еб туриб, ишониб-ишонмай, дала четидаги кўк сигирга термулиб қўярди. Натижада табиб айтганидек, ўн беш кундан сўнг, Норўрознинг хотини соғайиб кетди. Аммо...

Аммо, бир кун эрталаб ёмғир ёққач, уйдагилар ташқарига чиқмай, даладаги сигирни унутишди. Ёмғир тингач, Норўроз хотини билан ташқарига чиқиб кўрсаки, кўкка бўялган сигир ёмғирда ивиб, асл ҳоли – қорага айланиб қолибди.

-Наҳотки, алдаб келган бўлсангиз? – деди хотини эрига.

-Яхши бўлганингга шукр қилсанг-чи, - дея жаҳли чиқди Норўрознинг.

**У.ТОЖИМУРОДОВ**

## "ВАҲИМА ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА"

***Кўп йиллар муқаддам хўжалигимизда Мамасиддиқ Келдиев раис, Робил бува идора қоровули бўлишган. Ҳар иккиси ҳам тенгдош ва ҳазилкаш инсонлар экан. Пахта терими авжи қизиган паллада вилоятнинг ўша пайтдаги раҳбари хўжаликка келадиган бўлибди. Олтиариқдан Риштонгача, ундан қишлоғимизгача бўлган йўллар тозаланибди, мактаб болалари у ер-бу ерга тўкилиб қолган пахталарни ҳам териб олишибди.***

Раис, айниқса, Робил бувани тиндирмабди: идора деворларини оқлатибди, эгилган дарахт шохларини кестирибди, йўлакларга сув септирибди, толга катта мих қоқтириб, оппоқ сочиқ остириб қўйибди. Раҳбарнинг келишига яқин қолганда "Робил, ҳушёр бўласан, у киши сен билан мендақа эмас, "особий" одам!" деб яна бир карра тайинлабди.

Кўп ўтмай кутилаётган меҳмон етиб келиб, раис билан дала айлангани чиқибди. Хўжалик фаоллари иштирокида ўтказилган мажлисдан сўнг одатга кўра меҳмонхонага ўтишибди. Робил бува разм солиб турса, "катта" гулзор олдидан ўтаётиб, райҳонни оҳиста силкитиб, ҳидидан баҳраманд бўлибди, иккита шохчасини чимдиб олибди. Раис гўшт қовурдоқ ва паловхонтўра тайёрлатиб қўйган экан. Навбатдаги таом олиб кирилаётганда меҳмон ҳазил оҳангида шундай дебди:

-Бу овқатларнинг садақаси кетсанг арзийди. Лекин қаерга борсак – димлама, қовурдоқ, ош... Кўнгил мастава, уграош сингари енгил таомларни тусайди. Улар танани яйратадида...

Зиёфат тугаганидан кейин бу гаплардан бохабар бўлган Робил бува раисга қараб тўнғиллабди:

-Ваҳима ҳам эви билан-да, Мамасиддиқ, ўзимизга ўхшаган одам экан-ку?! Райҳонни хуш кўраркан, уграошни қўмсаб тураркан...

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

## ТИЛ ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

***АНДИЖОН /ЎзА мухбири Саид Шукуров/. Андижонлик икки нафар француз тили ўқитувчиси -Камолиддин Жабборов ва Шоҳиста Шерғозиевалар айни дамда Парижда стажировка ўтмоқдалар. Сафарнинг мақсади - Гюго ва Вольтер тилини ўргатишнинг янги йўлларини ўзлаштиришдир.***

- Олдинги ўқитиш услубидан фарқли равишда, бугунги кунда коммуникатив жиҳатга кўпроқ урғу берилмоқда, - дейди Андижон Давлат тиллар педагогика институтининг француз тили кафедраси доценти Ахмадали Мамадалиев. - Айнан мана шу йўналишда икки мамлакат мутахассислари янги дарслик ишлаб чиқди. Стажировка ўтиладиган мактабда француз муаллифлари иш олиб бормоқда. Андижонлик вакиллар чет эллик ҳамкасблари тажрибасини ўз юртида қўллашни мақсад қилганлар. Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси фаол иштирок этган мазкур хайрли ишларни давом эттирган ҳолда юқори синф ўқувчилари учун дарсликлар тайёрлаш режалаштирилган.



**Бу йилги мавсумда Ш.Рашидов туманидаги Узоқов номли дон қабул қилиш шоҳобчаси донга тўлиб-тошди. Айни пайтда бу ерда қабул қилиб олинган маҳсулотни ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу юмуш Мустақиллик байрами кунигача якунланади.**
**СУРАТДА: шоҳобча ходимлари Вали Ортиқов, Ваҳоб Эргашев.**
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ТОМОҒИГА ТИҚИЛДИ

***Сўнгги пайтларда бизники эмас, меники ибораси тез-тез қўлланила бошланди. Менинг ерим, менинг техникам каби. Аммо буни "Халқнинг ризқи - меники" қабилида тескари талқин қилаётганлар ҳам йўқ эмас.***

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

Зафаробод тумани "Зафаробод" агрохизмат маркази директори Норжигит Ҳасанов, хўжалик бош ҳисобчиси Собир Холбўтаев ва ёнилғи маҳсулотларини тарқатувчи Тоҳир Шерқуловлар ҳам шундайлар тоифасидан экан. Улар ўзаро тил бириктириб, вилоят нефт маҳсулотлари шўъба корхонаси ва унинг филиалларидан олиб келинган 61,110 литр (9287459 сўмлик) бензин маҳсулотларини хўжаликка кирим қилишади. Лекин ушбу ёнилғининг 27480 литр (4168718 сўмлик)ини эса 10 та шахсий автомашиналарга сарфланди, деб сохта қайдномалар тузишади. Ёнилғи ҳисобдан ҳам чиқарилади. Шу миқдордаги бензин ҳамда 40 литр дизел мойи қаёққадир ғойиб бўлади. Аслида маҳсулот ҳеч қаерга йўқолиб кетган эмас эди. Шу ерга яшириб қўйилган бўлиб, кейинчалик ишлатилганди. Фақат олиб келинган мақсадда эмас.Тўғрироғи, ёнилғи шахсий манфаат йўлида сотиб юборилади. Буни ўзлари ҳам тан оладилар.

Мана Норжигит Ҳасановнинг берган кўрсатмаси:

-Мен бош ҳисобчи Тоҳир Шерқулов билан келишиб, 27480 литр бензин маҳсулотларини нақд пулга сотиб, пулини ўзимизнинг харажатларимизга ишлатганмиз. Бензин маҳсулотлари олинганлиги ҳақида номлари кўрсатилган 10 нафар фуқароларга ёнилғи тарқатиш қайдномалари ёзиб, уларнинг ўрнига ўзимизнинг имзоларимизни қўйиб, қалбакилаштириб ҳисобдан чиқим қилиб қўйинглар, деб айтганман.

Бензинни биз хўжаликка олиб келиб кирим қилгандан кейин бензин керак, деб келган фуқароларга нақд пулга сотардик... Қилмишимдан пушаймонман.

Тоҳир Шерқулов ҳам ўз кўрсатмасида худди шундай гапларни, пушаймонлигини айтган.

Ўйлаб қоласан киши. Кўрсатмадаги бу пушаймонликлар номигагина эмасмикан. Чунки улар қилаётган ишлари нотўғри эканлигини билишарди-ку.

Нима бўлганда ҳам хўжаликдаги мавжуд техникаларни имкон қадар таъмирлаб, ишчиларнинг оғирини енгил қилиш у ёқда турсин, ёнилғи-мойлаш материалларини ўз эҳтиёжи учун талон-торож қилган бу шахслар нафақат келтирилган камомадни тўлайдилар, балки қонун олдида ҳам жавобгардирлар. Ахир бежизга "Халқнинг ризқига тегма, халқумингда қолади" деб айтишмаган.

**Омон ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Зафаробод туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**

# ЧАНГДА ҚОЛГАН НОН

(Боши 1-бетда)

- "Боғдоддонмаҳсулотлари" корхонасининг уни ҳам ёмон эмас. Бироқ, бозорни кўриб турибсиз, рақобат катта. Харидор оппоғига ҳавасманд.

Дарҳақиқат, савдо шоҳобчаларида нон сероб. Матлубот савдо АЖга қарашли цехларда ишлаб чиқарилаётганлари анча сифатли. Сифатсизлари-чи? Улар қаердан келяпти?

Туман солиқчилари билан биргаликда "Ҳилола" фермер хўжалигига қарашли нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехларида бўлдик.

Тадбиркорликнинг-ку қишлоқ жойларда кенг қулоч ёзаётгани яхши, албатта. Ҳозир имкониятлардан унумли фойдаланган ютяпти. Қолаверса, ҳар ким ҳудабеҳуда текшираман, деб безовта қилавермайди. Аммо, бундай ғамхўрлигу қулайликлар ўзим хон, кўланкам майдон, дегани эмас-да. Тадбиркор ҳам мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этишни унутмаслиги лозим.

"Ҳилола" фермер хўжалиги аввало нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ғоят тўғри иш қилибди. Бир кунда 250 тагача буханка нон, 40-45 килограмм атрофида макарон сотувга чиқарилмоқда. Лекин... чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин экан. Биринчидан, цехлар туман "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ идорасининг шундоқ ёнидаги полсиз, таъмирланмаган бинода жойлашган. Эзгуликка қўл уришдан олдин бинони озода ҳолатга келтириш эса ёддан чиққан кўринади. Бундан ташқари хамир қилиш, нон ёпиш, макарон чиқариш, умуман, бутун иш жараёнида меҳнат қилаётган ишчиларнинг аввало тиббий кўрикдан ўтиши, қолаверса, оқ халатда ишлаши ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Оқ халатнинг ўзи йўқ. Ахир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чорва моллари эмас, аҳоли истеъмол қилади-ку!

Иккинчидан, ҳар иккала цехда на тозаликка, на озодаликка эътибор бор. Ҳаммаёқ кир, ифлос, деворларни ўргимчак тўри босиб кетган. Макарон қуритиладиган стол тагида ўтган асрдан қолган эски увадаю уюм-уюм қўқимни кўриш мумкин. Улардан тараладиган бактерия, микроб маҳсулотдан бошқа нимага ёпишади? Нон тайёрланадиган қолип ва печларга ҳам қараб бўлмайди. Савол назари билан туман солиқ инспекцияси ходимларига қараймиз. Улар "бу бизнинг ваколатимизга кирмайди", дегандек елка қисишади.

-Бошимга яна кимларни бошлаб келдиларинг, - бир пайт ўдағайлаб кетди тадбиркор Авазбек Сиддиқов, - яқинда 130 минг сўм тўлаган жаримам каммиди?

Тадбиркорнинг важоҳати бузилди, асаблари таранглашди. Негаки, мавжуд ҳолат унинг ўзини уялтириб қўйганди.

Маълум бўлишича, Авазбек Сиддиқов ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдо-сотиғи тартибини бузгани учун солиқ инспекцияси томонидан дарҳақиқат жаримага тортилган экан.

Солиқчилар қонун доирасида жарима қўллашибди. Хўш, нима бўпти, шунга ота гўри қозихонами? Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланишнинг ҳам маълум, қатъий талаблари бор. Бу бир тележка силос ўриш эмас-ку! Жарима нима учун тўланди-ю, бунда солиқ инспекцияси ходимларининг айби не? Агарда бизнесмен акаларимиз ҳам рисоладагидек иш юритганларида чиқимга ҳожат бормиди? Қолаверса, жарима ҳам унинг кўзини мошдек очмабди-ку!

-Йўқ, акажон, мен у ёққа бормайман, ҳаққим йўқ. Ўзи ишим прокуратурада, "Ҳилола" фермер хўжалигининг ушбу цехларига борадиган бўлсам, катта жанжал чиқиши тайин. Илтимос, мени тинч қўйинг, - дейди айнан шу масалага масъул бўлган туман давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлинмаси мудири Рустамжон Холдоров.

Ё тавба, санитария ходими ҳам чўчиса, бу тадбиркор аслида ким экан ўзи? Боя солиқчиларга дўқ урди.

-Ростдан ҳам бизнинг у жойга боришга ҳаққимиз йўқ, - изоҳ беради санитария-гигиена бўлими мудири А.Астанақулов. – Туманимизда 250 та озиқ-овқат сотиш ва ишлаб чиқариш объектлари бор. Аммо "Ҳилола"га қарашли цехларнинг санитария-гигиена ҳолати бўйича аниқ тасаввурга эга эмасмиз. Чунки бунақа юридик мақоми бор субъектларни 2 йилда бир марта текшириб, назорат қила оламиз, холос. "Ҳилола"нинг цехларига 2002 йилда биз ҳам жарима қўллаганмиз. Энди насиб этса, назорат учун 2004 йилда борамиз. Сабаб – текширишларни мувофиқлаштирадиган координацион кенгашнинг махсус рухсати керак.

-Икки йилда бир марта?.. Кечирасиз, минтақамиз иссиқ, айниқса, ёз ойларида турли юқумли касалликлар тез тарқалиши мумкин. Сизлар 2 йилда бир назорат қилсаларингиз, кафолатни ким беради?

-Нима қилайлик, тартиб шунақа...

Республика санитария ва эпидемиология маркази бош врачи Санат Шоумаров ҳам телефон орқали тушкун кайфиятда гапирди.

-Текширишлар кўпи билан бир йилда бир марта бўлади, - дейди бош врач. - Бу белгиланган тартиб. Айтганингиздек, бирор эпидемия тарқалмайди, деган кафолат йўқ. Лекин, биз ҳам жим ўтирмаяпмиз. Тортишувлар давом этмоқда. Бироқ ҳозирча ижобий натижага эриша олмаяпмиз. Боғдод масаласига келсак, туман санитария маркази ходимлари текшириб эмас, шунчаки оғзаки огоҳлантириш бериши, камчиликларни тугатиш учун муддат белгилаши лозим эди. Айтилган муддатда мавжуд нуқсонлар бартараф этилмаса, текширишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси номига хат билан чиқилади.

Боғдодда эса ҳолат мутлақо бошқача. Афсуски, санитария маркази ходимлари "Ҳилола"нинг цехларига боришга дағ-дағ титрашади. Нега?

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Мухбиримиз кўтарган мавзу моҳияти нуқтаи назаридан анча долзарбли ва баҳслидир. Мамлакатимизда "Ҳилола" фермер хўжалиги сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган ўрта ва кичик бизнес субъектлари кам эмас. Мақолада ифодаланганидек, улар фаолияти устидан санитария назорати қаттиқ ўрнатилмаганга ўхшайди. Хўш, ушбу муаммонинг ечими қаёкда? Мутасаддилар бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўришар деган умиддамиз.**



**Чорва қишловига етгулик ем-хашак ҳозирланишида ўриш техникаси операторларининг хизмати катта. Кўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалигининг "Марол" техникаси ҳайдовчиси Суюнбой Машрапов кунига 4,5-5 гектар майдондаги озуқани ўриб олмоқда. У шу кунгача 100 гектар майдондаги ем-хашакни техника ёрдамида йиғиштириб олди.**
**СУРАТДА: оператор Суюнбой Машрапов.**
Б.АКРАМОВ олган сурат.




Б. АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

# ДУНЁ ОЛИМЛАРИ САМАРҚАНДДА

***САМАРҚАНД. (ЎзА мухбири А.ҚАРШИЕВ). Самарқанд давлат университетида Ядро физикасининг замонавий муаммоларига бағишланган бешинчи халқаро конференция бошланди.***

Анжуманда АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Россия, Украина, Чехия каби мамлакатлардан келган 250 нафар ядро ва радиацион физиканинг турли йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бораётган йирик олимлар иштирок этмоқда.

- Мақсад фундаментал ва амалий ядро соҳасида эришилган энг янги натижаларни муҳокама қилиш, хорижий давлатлар ва мамлакатимиз олимлари ўртасида илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда илмий-амалий соҳадаги долзарб муаммолар ечимини биргаликда топишдан иборат,- дейди Самарқанд давлат университети ректори Рустам Холмуродов. - Шунингдек, анжуманда ядро илми ва технологиясини ишлаб чиқариш, қолаверса, ҳаётга тадбиқ этиш масалалари ҳам муҳокама этилади.

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

# ТУПРОҒИГА ҚАЙТГАН ОЛИМ

(Боши 1-бетда)

-Акам илмни деб оила қурмади. Умрини тарихимизнинг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ қилишга сарфлади. Шу боисдан акамдан бир этак фарзандлар эмас, ёзган мақолаларию ёқлаган илмий иши қолди, - дейди Шукуржон ая.

Комил Юсупов 35 ёшида хоразмлик тарихчилар ичида биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ёқлаган олим. Шахсга сиғиниш, шўро мафкурасининг тушуниб бўлмас найранглари авжга чиққан кезларда қурултою жамоалаштириш каби “долзарб” мавзуда эмас, она ватани тарихини ўрганди. Комил Юсуповнинг “Абулғозий ва Хива хонлари” номли илмий ишига ўз даврида Е.Бертельс, А.Кононов, С.Толстов, Я.Ғуломов сингари забардаст алломалар юқори баҳо беришганди.

У илмий раҳбари, академик С.Бахрушин бошчилигида Москвадаги тарих институтида, кейинчалик Тошкентга қайтиб Ўзбекистон Фанлар академиясида тинимсиз илмий фаолият билан шуғулланди. Тиниб-тинчимас олимнинг “Ўқитувчилар”, “Қизил Ўзбекистон” газеталари ва “Гулистон” журналининг 1940-1950 йиллардаги сонларида эълон қилинган кўплаб мақолаларида Марказий Осиё тарихи ҳақидаги қимматли фикрларни билиб олиш мумкин.

Афсуски, бутун ҳаётини илмга бахшида этган Комил Юсупов соғлиғи ҳақида қайғуришга ҳам вақт топмади. Узоқ вақт ўпка хасталигидан озор чекиб, врачлар маслаҳатига кўра Москва, Симферополь шаҳарларида даволанди. Аммо, шафқатсиз ўлим уни орамиздан эрта олиб кетди.

Ўз касбини чин дилдан севган Комил Юсупов тақдир тақозосига кўра узоқ ўлкаларда дафн қилинганди. Шўролар даврида синглиси Шукуржон ая ва қариндош-уруғлари олимнинг илмий меросини излаб, турли маҳкамаларга мурожаат қилишган. Афсуски, ўша вақтларда расмиятчи тўралар уларга фақат қуруқ хатлар билан жавоб қайтаришган, холос. Бугунги кунда эса Комил Юсуповнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганишга киришилмоқда.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

# ҚАНЧА УХЛАШ КЕРАК?

***Киши уйғоқлигида сарфлайдиган энергия уйқу вақтида тикланади. Уйқу ва уйғоқликнинг алмашиниб туриши бош мия асаб фаолиятига боғлиқ.***

Уйқунинг бузилиши ва издан чиқиши асаб тизимининг заифлашувига сабаб бўлади, кишини зўрлаб уйқудан маҳрум қилишдан ҳам кўпроқ зарарлидир.

Кишининг қанча ухлаши кераклиги, асосан ёшга боғлиқ. Чақалоқлар бир кеча-кундузда фақат 2-3 соат уйғоқ бўлади. 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган бола бир кеча-кундузда камида 14 соат ухлаши зарур. 4-5 ёшда болалар 13 соат, 6 ёшда – 12 соат, 7 ёшда – 11 соат, 11-12 ёшда – 9-10 соат, 13-16 ёшдаги ўсмирлар – 9 соат, 17-18 ёшдагилар эса 8-8,5 соат, катта ёшли одам бир кеча-кундузда камида 6-7 соат ухлаши керак. Кексайган даврда уйқу одатда 5-7 соат давом этади.

# УНДАН-БУНДАН

* Энг биринчи салом фаришталар томонидан Одам Атога берилган экан.

* Бир миллиард саҳифалик китоб чоп этилса, қалинлиги эллик километрни ташкил этган бўларди.

* Дунёда энг жони қаттиқ ҳашарот Африкада яшовчи драгун чивини ҳисобланади. У ҳар қандай қурғоқчиликка, ҳатто жуда юқори даражали совуққа ҳам бардош бера олади.

* Соғлом кишининг бошида бир кунда етмиш-саксон тола соч тўкилиб, яна ўшанчаси ўсиб чиқади.

* Одам боласининг энг эзма пайти тўрт ёшгача бўлган даврига тўғри келади. Ёш бола сўзни ўйинчоқ каби ўйнайди ва кун давомида ўн икки минг сўзни талаффуз қилади, шундан атиги тўққиз юзтасини тушунади.

# СИЗУ БИЗ

* Инсон миясида тахминан юз миллиард ҳужайра бор. 35 ёшдан ҳужайралар сони камая бошлайди. Бу камайиш йилига 2,5 миллионни ташкил этади.

* Жигар овқат ҳазми учун ҳар куни 1 литр, бир йилда ўртача 365 литр сафро ишлаб чиқаради.

* Ошқозон орқали бир йилда ўртача 730 минг калория олинади.

* Кўзлар ҳар дақиқада ўн-йигирма марта киприк қоқади ва бу билан доимий намланиб туради. Киприк қоқишнинг бир йиллик саноғи олти-саккиз миллионга етади.

* Қўл тирноқлари ойда саккиз миллиметр ўсади. Оёқ тирноқлари шунинг ярмича.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

* Буйраклар бир йилда етти юз литр сувни филтрлаб ўтказади.

* Тери ҳар йили уч марта янгиланади.

* Юрак бир йилда қирқ икки миллион марта уради.

# МИНГДАН БИР ДАВО

* Анорнинг ичида қанча дона бўлса, шунча касалга даво бўлади. Анор суви, айниқса, жигарга фойдали.

* Укроп таркибида азот, эфир мойи, А, С витаминлари бор. Укроп кўзнинг кўриш қобилиятини яхшилайди.

* Петрушканинг баргини таомга қўшиб есангиз, қонингиз кўпаяди. Агар унинг уруғини қайнатиб ичсангиз асабингизни мустаҳкамлайди.

* Баҳорда ошқовоқни қайнатиб есангиз, қон томири фаолиятини яхшилайди, куч бағишлайди. Овқат ҳазм қилишни тезлатади, танага яра чиқишининг олдини олади ҳамда тери касалликларига даво бўлади.

**Зуҳра РИХСИЕВА тўплади.**

# SPORT OLAMIDA

## ЧЕМПИОНАТ ҚОЛДИРИЛДИ

***Спортнинг милтиқдан ўқ отиш тури бўйича август ойида Малайзияда Осиё чемпионати мусобақалари ўтказилиши режалаштирилганди.***

Аммо айрим сабабларга кўра ана шу нуфузли мусобақа келгуси йили ўтказиладиган бўлди. Шуниси қизиқки, Осиё биринчилигида муваффақият қозонишни ният қилган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари айни кунларда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида тайёргарлик машқларини ўтказишмоқда. Эслатиб ўтамиз, агар вакилларимиз мусобақа ғолиблигини қўлга киритишса, 2004 йилда Греция пойтахти Афинада ўтадиган Олимпиада баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

## ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ИНДОНЕЗИЯДА

***Индонезияда оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бошланди. Турнирда муваффақиятли иштирок этиш мақсадида иқтидорли мураббий Шаҳрулло Маҳмудов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Индонезияга жўнаб кетишди.***

Қитъа биринчилиги баҳсларида Ватанимиз шарафини Руслан Макаров, Маҳмуд Тоғаев, Ботир Усмонов, Саломат Нуруллаев, Фурқат Саидов, Вячеслав Тен, Шоҳруҳ Алихўжаевлар ҳимоя қилишмоқда. Дарвоқе, Осиё чемпионати бошланмасидан аввал Индонезиянинг Бали шаҳрида Осиё оғир атлетика федерациясининг навбатдаги конгресс йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон оғир атлетика федерациясининг вице-президентлари Рашид Маткаримов ҳамда Валерий Карапетянцлар иштирок этишди. Конгрессда Рашид Маткаримов Осиё оғир атлетика федерациясининг илмий кенгаш аъзоси сифатида нутқ сўзлади.

## МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШАДИ

***Айни пайтларда велоспорт бўйича мамлакат биринчилиги ғолиблари пойтахтлик Филипп Яковенко, Владимир Тўйчиев ҳамда пойтахт вилоятидан Руслан Каримов, Альбина Китаевалар Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Андрей Анеяк раҳбарлигида Жанубий Кореяда ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.***

Мусобақа ҳамюртларимизга омад келтиради, дея умид қилишга тўла асос бор. Чунки велоспортчиларимиздан пойтахтлик Владимир Тўйчиев Осиё биринчилиги совриндори бўлса, Тошкент вилояти вакили Альбина Китаева Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган.

## ЮКСАК ИШОНЧ

***Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Республика сув полоси федерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ўтган йиллар мобайнида ана шу спорт турини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида йиғилиш қатнашчиларининг фикрлари тингланди. Келгусида сув полоси спортининг ёшлар ўртасида янада оммалаштириш борасида қилиниши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан Республика “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латиповга юксак ишонч билдириб, у Республика сув полоси федерациясининг президентлигига сайланди.

## ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

***Яқинда истеъдодли шоҳмотчимиз Юлдуз Ҳамроқулованинг ғалабалари сони яна биттага кўпайди.***

Чехияда ёшлар ўртасида уюштирилган халқаро анъанавий шоҳмот фестивали Юлдузга омад келтирди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан ташриф буюрган шоҳмотчилар билан беллашган ҳамюртларимиз барча рақибларидан маҳорат бобида устунлигини намойиш қилди ва халқаро шоҳмот фестивали ғолиблигини қўлга киритди.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Наманган шаҳрида бокс бўйича вилоят ҳокими соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтди.***

Турнирга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан 200 нафар чарм қўлқоп усталари ташриф буюришди. Беллашувга Ҳиндистон, Малайзия, Сурия давлатларидан ҳам боксчиларнинг келганлиги ажойиб воқеа бўлди, дейиш мумкин. Кескин курашларга бой, муросасиз кечган баҳсларда ғолибликка ўз вазн тоифаларида фарғоналик Отабек Мамажонов, ҳиндистонлик Амит Кумар, жиззахлик Абдуғаффор Умаров, қўқонлик Улуғбек Бўрибоев, пойтахт вилоятидан Жўрабек Набиев, бухоролик Ражаб Раҳматов, наманганлик Нодир Ғуломов, Нозим Азимовлар эришган бўлсалар, 91 килограммгача бўлган оғир вазнли боксчилар ўртасидаги курашда пойтахтимиз вакили Жасур Матчоновга тенг келадиган топилмади.

## ТАНИШТИРУВ МАРОСИМИ

***Маълумки, 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.***

Мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этишади. Пекин шаҳрида ана шу нуфузли турнирнинг рамзи туширилган махсус эмблеманинг расман таништирув маросими ўтказилди. Хитой парламенти, Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолари, таниқли кишилар, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида уюштирилган маросим кўнгилдагидек ўтди. Дарвоқе, одатдагидек, эмблемада бешта олимпия халқаси Хитой ёзма манбаларида таъкидланган рақс тушаётган одамлар нигоҳида акс эттирилган.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ОҒИР СЎЗ

(Боши 1-бетда)

Гулчеҳра маъюс тортиб қолди. Яшнаб турган чеҳрасини оғир сўниқлик буткул эгаллади. Салимага ғазаб билан тикилдию ўзининг жисмонан заифлигини сезиб, шу заҳоти шаштидан тушди. Гулчеҳра сафимиздан уч-тўрт қадам орқада қолди. Қайрилиб қараб тим қора қорачиқлари юзида юпқагина кўз ёш қатламларини кўрдим. Мен ҳам тўдадан ажралиб чиқдим. Гулчеҳра орқада йиғлаб келаётганини сездим. Оғир сўз “юк”и ҳар қандай юракка ҳам дарз етказа олишини илк бор кўриб туришим эди. Гулчеҳранинг отасиз, қалби ўксиқ ўсаётгани, рўзғорлари ўзига ярашалигини Салима андишасизларча унинг юзига солган эди. Шу куни Салимага нисбатан нафратим ҳаддан ошиб кетди. Лекин бирор бир сўз демоққа ботинолмасдим. Бунинг учун ҳали ҳануз ўзимни кечиролмай юраман. Чунки Салима элнинг эркатойига айланган “катта”лардан бирининг эрка қизи эди. Кўчада ўйнаб юрганимизда ота-онамиз тайинларди:

-Салима билан тортишиб юрма, болам. Йўғон чўзилгунча ингичка узилади...

Гулчеҳра шу куни уйигача йиғлаб борди. Эртаси куни дарсга ҳам келмади. Мактабдан келиб хабар олгани ўтдим. Унинг иситмаси ошиб, тўлғаниб ётарди. Боши устида парвона бўлиб турган онанинг чеҳрасига мени кўриши билан синиқ табассум югурди.

-Гулчеҳра, синфдошинг келди, кўзингни оч, болам.

-Ким?

Мен у билан қўл бериб кўришдим. Қўллари оловдек, юзларида ҳам тафт борлиги сезилиб турарди. У менга илтижоли термулди:

-Уйларингга қалдирғоч кирдими?

-Йўқ. Бизникига келадиганлар йўлда сал уриниб қолганга ўхшайди, - дедим Гулчеҳрани тинчлантириб.

-Бизникилар ҳам... – деди у кўнгли таскин топиб.

Дарҳақиқат, икки-уч кун ўтар-ўтмас бизникига ҳам, уларникига ҳам бир жуфтдан қалдирғоч кириб, шошилинч ин қура бошлади. Энди ўйласам, Гулчеҳра ўшанда орият оғриғидан йиғлаган экан. Шаънига, нафсониятига теккан бир сўз уни тафтда куйдирган, болишига мажбур бош қўйдирган экан. Ушбу воқеани эслашимнинг боиси бор. Дарвоқе, орият... Мен унга дуч келдим. Эндиги сафар улғайганимда кўрдим. Яна болалар орасида. Яхшиси, буни ҳам батафсил сўзлаб берай.

Ҳар гал туғилган қишлоғимга отланаётганимда ўзимни аввалгидан енгилроқ ҳис қиламан. Қишлоқ одамларидан тортиб, ҳали асфальт қилинмаган, номигагина шағал тўкилган йўллар, дарахтлар, синчли уйларгача барибари қадрдон. Ҳали онам билан кўришиб улгурмасимданоқ қишлоқнинг нариги чеккасидаги ҳовлининг боласигача ортимдан югуришади.

-Ана қаҳрамонларинг ҳам тўпланишаяпти, - дейди онам мийиғида кулиб.

-Майли келаверишсин, - дейман сертакаллуфлик билан улар томонга юзланиб.

Уйимиз болаларнинг шодон чуғурига тўлади. Негадир Бахтиёр деган кичкинагина бола хомуш қиёфада ўтирарди. Янги эртак уларга манзур бўлди. Секин Бахтиёр менга яқинроқ сурилди.

-Тоға, шаҳарда расм дафтар борми?

-Бор, - дедим.

-Янаги келганингизда менга расм дафтар келтиринг. Дадам командировкага кетганлар.

У анчадан буён кафтлари орасидаги олиб турган битта 25 сўмликни атрофига олазарак боқиб менга узатди.

-Ёлғон айтаяпти, - дея унинг гапини шарт кесди болалардан бири. – Дадаси уларни ташлаб кетган...

Бахтиёр ерга қараб бироз турди. Сездим, ёлғон гапирганидан у хижолат тортаяпти. Ерга қараган кўйи кўзларига ёш қуйилди. Орият кучлилик қилди. Сўнгра юзларини беркитганча даврадан чиқиб уйлари томон чопиб кетди. Шундагина кичкина Бахтиёрнинг қисматидаги нохуш чизгилар хотирамда жонланди.

Бахтиёрнинг ота-онасини яхши танирдим. Эр-хотин севиб-севишиб турмуш қуришган. Уларнинг оиласи кўпчилик ҳавас қилса арзигудек эди. Тинч-тотув яшардилар. Йигит уддабурро, келинчак хушсурат, пазанда эди. Йил ўтмай, фарзандли бўлишди. Ўғил.

Бахтиёр дуркун ўсди. Қувноқ файзли кунлар ойларга, йилларга уланаверди. Бирин-кетин яна икки ўғил туғилди. Икки йил бўлди оилага зимдан дарз кетганига. Сабаб аён – тўқликка шўхлик. Йигит институтни битиргач, ишлари жадал юришди.Сертакаллуф, серҳаракат бу йигит тез орада “катта”ларга ёқиб қолди. Аста-секин мансаб пиллапояларидан кўтарила бошлади. Унга ҳам ихлос қўядиганлар, сохта хушомад қиладиганлар кўпайди. Шон-шуҳрат, амалпарастлик йигитни еттинчи осмонга кўтариб қўйди. У босар-тусарини билмай қолди. Кеч келадиган, бунинг устига машинада ичиб юрадиган одат чиқарди.

Ўша куни ҳам одатича кеч қайтди. “Жигули” сигналининг чўзиқ ноласидан чўчиб уйғонган муштипар хотин эрини машинадан зўрға суғуриб олди. Зум ўтмай у оғзига келганини қайтармай хотинига ҳақорат ёғдира бошлади.

-Мен бошқасига уйланмоқчиман, - деди у дангал. – Уйни бўшат! Сен билан ажралишга келдим.

-Менинг айбим нима? - ёлворди хотин – Сизсиз рўзғорни ҳафталаб тебратганимми?! Болаларимни оқ ювиб, оқ тараганимми?!

-Гап тамом, бугун судга ариза ташлаб келдим.

Шу-шу Бахтиёрнинг отаси уйига қайтиб келмади. Дарҳақиқат, кўп ўтмай отанинг ажралиш масаласидаги аризасига кўра гуноҳсиз хотин судга чақирилди.

-Болаларимни тирик етим қилиб қолдирманг. Ҳалиям бу йўлингиздан қайтинг, дадаси. Бир куни пушаймон бўласиз, - зорланди хотини суд залида ҳам кўз ёшларини тиёлмай.

Уйлаб кўриш учун олти ойлик муҳлат берилди. Йўқ, отанинг қарори қатъий чиқди. Ўзи қатнаб ишлайдиган шаҳардаги ўша бегона аёл билан пинҳона аҳду паймонлар, маъшуқанинг ноз-фироғи енгилтабиат отани сархуш этган экан.

-Ажраламан, гап тамом! - деди эр олти ойлик муҳлатдан кейин ҳам.

Йигит ўша жувоннинг уйига кўчиб ўтди. Тўғри, у болаларига нафақа пулини ўз вақтида жўнатиб турибди. Қонуний жиҳатдан жўнатишга ҳам мажбур. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Болаларчи?.. Уларнинг тақдири, бахт-саодати арзимас “садақа” билан бутланиб қолармиди? Бола қалбидаги ота меҳридек ширин ва юксак туйғу барқ уриб турмоғи керак. Таассуфки, оталари ташлаб кетган болалар улуғвор бахт нашъасидан мосуво. Наҳотки, тошбағир кимсалар зурриёдлари қалбидаги ота меҳри сиғадиган жой кемтик бўлиб қолаётганини ўйлашмайди?! Қани виждон, диёнатли отага хос бўлган ор-номус?

**Дилмурод ЖАББОРОВ**

# ГУГУРТ ҚАЧОН КАШФ ЭТИЛГАН?

## БИЛАСИЗМИ?

***Ихтиролар, кашфиётлар турмушдаги қийинчиликларни бартараф этиш учун узоқ изланишлар меваси сифатида олимлар томонидан дунёга келади.***

Чунончи 172 йил аввал 1831 йили Париж университети кимё куллиётининг 2-босқич талабаси, 19 ёшли француз Шарль Сориа фосфорли гугуртни ихтиро қилган. Номи газета ва журналларда чиққан йигитча ютуққа берилиб кетиб, патент олишга ошиқмади. Бундан фойдаланган немис миллатига мансуб Камерар эса патент олишга улгурди. Шарль асосий ихтирочи сифатида тан олиниб, номи тарихга олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди.

Шуни айтиш кераккки, XIX асрнинг ўрталарида фосфорли гугурт ишлаб чиқариш махсус фабрикаларда йўлга қўйилди, бироқ сифатсиз фосфорли гугурт ишчи-хизматчиларни заҳарлай бошлагач, уни ишлаб чиқариш ман этилди. Бундан фойдаланган швед олими, кимёгар Беттчер 1848 йили сульфатли гугуртни кашф этди. У инсон саломатлиги учун зарарсиз ва хавфсиз бўлганлиги учун фабрикаларда миллионлаб қути ишлаб чиқарилиб, “швед гугурти” номи билан Овруп мамлакатларида машҳур бўлиб кетди.

Албатта, гугурт учун барча дарахтлар ҳам ишлатилавермайди. У учун энг яхши дарахт тоғ тераги ҳисобланади. Гугуртни чертганда бармоғингиз қаттиқ зарарланиши мумкин, чунки гугурт чақилганда унинг ёнаётган бош қисми 1500 даража Цельсийгача қизиши аниқланган.

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.**

## РАССОМ ХАНДАСИ







А.ҲАКИМОВ ва Ж.МИРЗО чизган расмлар.

# ҚОВУН “ЎҒРИ”ЛАРИ

## БЎЛГАН ВОҚЕА

***Сунбула. Қовун айни ширага тўлган палла. Ака-ука қизиқчилар Ҳусен ва Комил эшакка миниб тонг саҳардан Нарпай қоризи томон йўлга тушдилар. Аканинг гурунги кўр олиб, манзилга етиб келганларини ҳам сезмай қолишди. Терак шохларидан ясалган чайланинг соясида ўтириб деҳқонларни гурунгга тортишди. Қовунхўрлик қилишди.***

Оқноввот, кўкча, амирий каби қовун навларининг ҳар мағзида чак-чак асал ёғилади. Деҳқонлар етакчиси Қосимбой ва Рустамбой элнинг суюкли қизиқчиларига меҳру ихлосларини намойиш этишди.

Ака-укалар кун бўйи меҳнатдан бош кўтармадилар. Ҳусен бир нечта тўқимни ямади, Комил эса келтирган ипларидан айил тўқиди.

Кун ниҳоясига етар пайтда тўқимдўзлар йўл тайёргарлигини кўрдилар. Деҳқонлар усталарнинг меҳнат ҳақига ҳар бири учун тўрттадан саккизта қовун узиб чайла олдига қўйдилар.

Қизиқчилар очиқ чеҳра ва хурсандчилик билан йўлга равона бўлишди.

Офтоб ётоғига кирди. Атроф тун пардасига ўралди.

Ҳусен эшагини их-ихлаб, қандайдир бир ашулани хиргойи қилиб борарди. Шу маҳал укаси:

-Ҳой, ака, менга қаранг! – деди қувлик билан.

-Ҳа, нима дейсан, - дея у томон ўгирилди.

-Кўнглимга бир “шумлик” келди!

-Тинчликми? – сўради Ҳусен хавотир аралаш.

Комил эшагини “иш-иш”лаб тўхтатди-ю:

-Маҳалла одамларини бир қовунхўрликка чорлайлик, - деди.

Бу гапдан Ҳусеннинг чеҳраси ёришди.

-Яхши ўйлабсан, хўш бунинг учун нима қилиш керак? Саккизта қовун билан...

-Эшакни орқага қайтаринг, полизга “ўғри”ликка борамиз, - деди Комил, - пайкалдан...

Нарпай сойи ёқалаб бир чақиримлик йўл босишди. Улар пайкалларга яқинлашгач, эшакларини тушовлашди. Ҳанграмасин учун нўхтасини тортиб, чопонлари билан ўраб қўйишди.

Улар бир зум маслаҳатлашиб олишди.

-Ўнг томонда бедапоя бор, - деди Комил. – Унинг ёнидаги ариқда сув оқиб келяпти, сиз ўша жойда ўтирасиз, - деди акасига ва сўзини давом эттирди, - мен эса пайкалга кириб қовунларни узаману, сувга оқизаман.

Тун сокин. Баъзи-баъзида жизилдоқларнинг овози сукунатни бузади. Ҳусен ариқ бўйига чўкка тушиб сувнинг оқимига қараб турди. Хаял ўтмай оқизилган қовунлар ариқда қалқиб, думалаб кела бошлади. Бир пасда анча қовун тўпланди.

Бир маҳал Комил бўлиқ янтоқзорлар бўйлаб ҳаллослаб етиб келди. Қовунларни хуржунга жойлаб, эшакларга юклаб, ҳайё-ҳайт деганча Нуротага жўнадилар. Оқшом ярмидан оққан пайт маҳалла чойхоначисини уйғотиб, ўттиз қовунни унга санаб бериб, ўзларининг меҳнат ҳақига саналган саккиз қовунни олиб уйларига жўнадилар.

Орадан бир кун ўтди. Комил қизиқ Қосимбой деҳқонни чойхонага бошлаб келди. Ўзаро гурунг борарди. Бир маҳал ўн-ўн беш чоғли мижозлар қовунхўрликка келишди. Чойхоначи патнисларда қовун келтирди. Қосимбой бу қовунларга ажабланиб боқди ва Комил қизиққа юзланди:

-Ранги бизнинг қовунларга ўхшаркан-а? – деди ўсмоқчилаб.

Комил қизиқ деҳқоннинг икки қўлини маҳкам ушлаганча силкита кетди.

-Топдингиз, бу сизнинг қовунларингиз акам билан...

-Яшанг, Комилвой, дуоси деҳқонники-да! – деди.

Қосимбой қовунхўрлик қилаётган одамларга қараб ҳайқирди:

-Чойхонага ҳар ҳафтада ўнта қовун юбораман, уларни мижозларга бепул берингиз, - деди терисига сиғмай...

Нуротада бу анъана узоқ йиллардан бери давом этаяпти.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6